



**ОДОБ - АХЛОҚ - ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ  
ЗАРУРИЙ ШАРТИДИР**

**Ш.Хақназаров**  
*Судьялар олий мактаби  
мустақил изланувчиси: ю.ф.ф.д.*

**Аннотация:** Мазкур мақола жиноят-процессуал ҳуқуки ҳамда тезкор-қидириув фаолияти, шунингдек криминалистика соҳасининг муҳим ва долзарб институтларидан бири ҳисобланган жиноятларни фош этиш ва улар бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришда сунъий интеллектнинг тутган ўрни, улардан фойдаланиш истиқболлари, шу билан бирга жиноятларни тергов қилишда сунъий интеллект ютуқлари ва инсон интеллекти даражаларини ўзаро қиёслаш масалаларини ёритишга бағищланган.

**Таянч сўзлар:** тезкор-вакил, суриштирувчи, терговчи, тергов, сунъий интеллект, тезкор-қидириув фаолияти, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, процессуал ҳаракат, электрон хужжат, тезкор таҳлил.

**ЭТИКА И МОРАЛЬ - НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ  
ПРАВОСУДИЯ**

**Аннотация:** Данная статья посвящена раскрытию роли искусственного интеллекта в выявлении преступлений и проведении доследственной проверки, дознания и предварительного следствия по ним, являющихся одними из важных и актуальных институтов уголовно-процессуального права и оперативно-розыскной деятельности, а также криминалистики. Рассматриваются перспективы использования искусственного интеллекта, а также вопросы сравнения достижений искусственного интеллекта и уровней человеческого интеллекта при расследовании преступлений.

**Ключевые слова:** оперуполномоченный, дознаватель, следователь, следствие, искусственный интеллект, оперативно-розыскная деятельность, доследственная проверка, дознание, предварительное следствие, процессуальное действие, электронный документ, оперативный анализ.

**MORALITY IS A NECESSARY CONDITION FOR THE ADMINISTRATION  
OF JUSTICE.**

**Abstract:** This article is devoted to highlighting the role of artificial intelligence in solving crimes and conducting pre-investigation checks, inquiries, and preliminary investigative actions, which are considered one of the important and relevant institutions of criminal procedure law and operational-search activities, as well as forensics, the prospects for their use, as well as issues of comparing the achievements of artificial intelligence and the level of human intelligence in the investigation of crimes.

**Keywords:** operative-representative, inquiry officer, investigator, investigation, artificial intelligence, operational-search activity, pre-investigation check, inquiry, preliminary investigation, procedural action, electronic document, operational analysis.

Хар бир фаолиятда ва касбда ахлоқ масаласи мухим бўлгани каби, судьянинг ахлоқи масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон мустақиллик эришгандан сўнг, мамлакатимизда биринчи марта суд ҳокимияти бошқа ҳокимиятлардан ва ташкилотлардан мустақил ҳолда иш юритиши кафолатланди.<sup>165</sup> Барча судларда ишлар очик, ошкора ва тарафларнинг тортишуви тамойилига асосланган ҳолда кўрилиши жорий этилди. Мазкур тамойил ислоҳот даврида ҳам биринчи ўринда бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотгани йўқ.<sup>166</sup> Суд ҳокимиятининг мустақиллиги шарафли имтиёз эмас, балки унинг ҳокимият ваколатлари тақсимланиш тизимида ўзининг конституциявий вазифасини бажаришининг зарурӣ шартидир.

Одил судлов - шахс хуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг ишончли ва ҳозирги замон дунё маданиятли усулидир. Одил судлов хуқуқи ҳар бир шахс ва фуқаро учун тан олинади.

Инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий асослари бир қатор ҳалқаро хужжатларда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Чунончи, инсон

<sup>165</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

<sup>166</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4849-сон 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сон “Суд-тергов фаолиятида шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги ПФ-60-сон** “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққёт стратегияси тўғрисида”ти Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сонли “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Фармони. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустақил ва холис суд томонидан (химоя килиш) оқилона муддатларда очиқ ва ошкора кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.<sup>167</sup>

Кўриниб турибдики, ахлоқ-одоб масалалари халқаро даражада эътиборида ҳам муҳим, аммо судья одоб-ахлоқ масаласи ҳар бир давлатнинг миллий қарашларидан келиб чиқади. Яъни, муайян халқнинг тарихий тажрибаси, уларнинг менталитети, давлат бошқарув шакли албатта, судья одоб-ахлоқ зиммасига юкландган у ёки бу маъсулияти бир давлатдан бошқасига қараганда фарқланади.

Судья одоб-ахлоқ масаласи Ўзбекистон учун янгилик ёки мустақилликка эришгандан сўнг ўзгаришлар туфайли жамиятимизга киритилган ғайриоддий нарса эмас. Балки, судья одоби-ахлоқи масалалари доимий равишда ва узоқ вақтлардан бери ҳуқуқшунослар, файласуфлар, тарихчилар ва адиллармиз томонидан эътиборида бўлган.

Х. Дўстмуҳаммад, халқимиз тарихида қозилик ишлари қандай ташкил этилганлиги, қозилик лавозимида тайинланадиган инсон қўйилган талаблар доимо қизиқтириб келган.<sup>168</sup> Мисол учун, “А. Навоиي назидаги қози”, “А. Темур тузуклари, “Қозининг халоллиги”, “Аждодларимиз тафаккурида адолат”, “Ҳидоя”, “Кифоя” каби асарлар миллий бойлигимиз саналади.<sup>169</sup>

Х. Ёдгоров, тарихдаги ўғитларга назар ташлайдиган бўлсак, суддаги адолат инсонларнинг давлатга бўлган ишончини оширади, адолатнинг савоби нафл тоат-ибодатдан кўпроқ экани муқаддас ҳидиси шарифларда алоҳида қайд этилгани бежиз эмас. Адолат эътиқод даражасига кўтарилиган экан, унга доим содик бўлиш лозимлиги ўз-ўзидан маълум.<sup>170</sup>

Янги Ўзбекистонда суд-хуқуқ ислоҳотлари, одил судловни ўрганишнинг долзарблиги мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ва адолатли судлов тизимини яратиш зарурати билан белгиланади.

Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев, одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йигилишда, “Судлар фаолияти, аввало, инсон тақдирига, барча соҳалар тартиби ва тараққиётига дахлдор масаладир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, ишларни кўришда холислик, адолат ва қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Сўнгги олти йилда бу тизимга оид 50 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди”.<sup>171</sup> Шунинг учун,

<sup>167</sup> “Инсон ҳуқуqlari umumjaҳon deklarasiyasи”. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган (10-модда). “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт. 28.12.1995. (14-модда). “Конвенция о защите прав человека и основных свобод”. г. Рим, 4.XI.1950 г. (6-модда).

<sup>168</sup> Судья маънавияти, одоби ва маъсулияти. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан нашрга тайёрланган. 2021. 3-4 бет.

<sup>169</sup> Бурхонуддин Марғиноний. «Ҳидоя».«Hilol» нашриёт-матбааси. 2022-2024 йиллар. 1-5-жузлар.

<sup>170</sup> Судья маънавияти, одоби ва маъсулияти. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан нашрга тайёрланган. 2021. 186-187 бетлар.

<sup>171</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/5695>

тарафкашлик ва ахлоқий меъёрларни бузиш нафақат маълум бир судья учун шахсий муваффақиятсизлик ва шармандалик, балки фуқароларнинг бутун суд тизимиға бўлган ишончига путур етказиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда судья одоби кодексини қабул қилиниши ҳам суд-хуқук ислоҳотларни ривожлантиришда изчил мантиқий давомидир.<sup>172</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сонли “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 67-моддасига мувофиқ, судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар куйидагилар ҳисобланади: 35 ёшга тўлган, олий юридик маълумотга эга, Ўзбекистон фуқароси судьялик лавозимига номзод бўлиши мумкин.<sup>173</sup> Аммо, бошқа меъёрий хужжатларда судьяликка номзодларга қўйиладиган қўшимча талабларни белгилаш имкониятини ҳам назарда тутади. Бинобарин,

Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2024 йил 6 майдаги қарори билан тасдиқланган “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2024-2025 ўқув йили учун қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-боби, 4-бандида, юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлган шахслар судьяликка номзод бўлиши мумкин.<sup>174</sup> Шунингдек, судьялик касби шунчалик ўзига хос ва масъулиятли бўлганлиги учун, номзодларга қўшимча талабларни, шу жумладан ахлоқий характерга эга бўлган талабларни ҳам белгилайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сонли қарори билан “Судьялар одоби кодексида” мустаҳкамланган.<sup>175</sup> Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан қабул қилинган ҳужжат норматив характерга эга эмас, лекин Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ҳар бир судьяси учун мажбурий характерга эгадир. Судьялар одоби кодексининг қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик, шу жумладан судьянинг ваколатларини тугатишгача бўлган жавобгарлик назарда тутилган. Судьялар одоби кодексида судяларнинг касбий ва мансаб фаолиятидан ташқари давомида одоб хулқ-атвори стандартларини белгилайди (1-модда), уларнинг бузилиши интизомий жазо чораларини қўллашга олиб келиши ҳам мумкин (18-модда).

Судьялар одоби кодексида, судьяга нафақат қонунни билишни ва уни тўғри қўллашни, балки юксак маънавиятли бўлишни ҳам талаб қиласди, айниқса жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг мураккаб жараёнида холисликни ва беғаразликни сақлаган процессуал мажбуриятларни (юқори профессионаллик даражада) бажариши ва қонунда белгиланган ваколатлардан амалга ошириши талаб қилишини белгиланган (7-модда).<sup>176</sup>

<sup>172</sup> Судьялар одоби кодекси. -Т.: 2024. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сон қарори билан тасдиқланган.

<sup>173</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сонли “Судлар тўғрисида”ги Қонуни.

<sup>174</sup> Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2024 йил 6 майдаги қарори билан тасдиқланган “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2024-2025 ўқув йили учун қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

<sup>175</sup> Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сонли қарори билан “Судьялар одоби кодекси” тасдиқланган.

<sup>176</sup> Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сонли қарори билан “Судьялар одоби

Процессуалист олим Д.П.Котовнинг ёзишича, ахлоқий фазилатлар терговчилар, прокурорлар, адвокатлар ва судяларнинг ахлоқий онги ва хатти-ҳаракатининг барқарор элементлари сифатида ишлайди. Жиноят процессуал муносабатлар чинакам ахлоқий бўлиши учун бу шахслар маълум ахлоқий фазилатларга эга бўлиши ва одобли бўлиши керак. Бу шахслар қонунга чуқур хурмат, юксак маънавиятли, ҳалол, ватанга содиқлик, қатъиятлилик ва ташқи таъсирларга дахлсизлик, мустақиллик ва хушёрлик билан ажралиб туриши керак. Улар ўзларига ва одамларга нисбатан талабчан, ҳалол ва бузилмас, камтарин ва одобли, мард ва қатъиятли, меҳнатсевар бўлишлари лозим.<sup>177</sup>

Д.Б. Базораванинг фикрича, судьянинг мустақиллиги ишни кўришда ўз ички ошончига асосланган ҳолда қарорлар қабул қилиш учун маънавий хуқуқ ва уларнинг бенуқсонлигига ишонч ҳиссини беради, касбий компетентлик эса, юқори ахлоқийлик ва хуқуқни қўллаш тажрибаси киради.<sup>178</sup>

А.С. Кобликов, судьяга қўйиладиган асосий талаб адолатли бўлишилдири, деб хисоблайди. Шунингдек, судья ҳалол, виждонли, беғараз, инсонпарвар бўлиши керак. Судья томонидан қабул қилинган қарор ҳалқ томонидан адолатли деб эътироф этиш учун, ҳар бир ишни синчковлик билан, ҳар томонлама, холис, далиллар мақбуллиги ҳолатларини ишончли аниқлагандагина адолатли деб баҳоласа бўлади. Одил судлов деганда, айборлар асосли равишда муносиб жазоланадиган, айбсизлар эса оқланган суддир.<sup>179</sup>

Бизнинг фикримизча, А.С. Кобликовнинг фикрига қўшилиш ўринлидири, асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган ҳар бир кишини реабилитация қилиш каби масала жиноят процессининг устувор вазифа ва мақсадига ҳам мос келади. Бироқ, миллий жиноят процессуал қонунчилигимизнинг 2-моддасида бундай устувор вазифалар кўйилмаган.

Қонуннинг талқинидан келиб чиқадиган бўлсак, айбланувчининг процессуал мақомида шахснинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида гап кетаётгани маълум бўлади. Чиндан ҳам, Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида, реабилитация қилиш учун асослар мустаҳкамлаб қўйилган. Кўриниб турибдики, жиноий жавобгарликка тортилган шахсни (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкум) ҳимоя қилиш назарда тутилган.<sup>180</sup> Қонунда, ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслик ҳақида сўз боради. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, айби бўлмаган шахслар жазодан озод этилмасдан, оқланиш ва реабилитация қилиниши керак. Аммо, реабилитация масалалари очиқ қолган. Жиноят-

кодекси” тасдиқланган.

<sup>177</sup> Котов Д. П. Вопросы судебной этики. М. Знание. 1976. С. 26 - 27.

<sup>178</sup> Базорава Д.Б. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе. Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. (DSc). Т., ТГЮУ, 2022. - С. 203.

<sup>179</sup> Кобликов А. С- Юридическая этика. М.: Норма. 1999. С. 99.

<sup>180</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.

процессуал кодексининг 303-моддаси реабилитацияга бағишланган бўлиб, 37-бобда белгиланган тартибда реабилитация қилиш ҳуқуки нафакат жиноий таъқибнинг асосиз курбонига айланганлар, балки қонунга хилоф равища процессуал мажбурлов чоралари кўулланилган ҳар қандай шахсларга ҳам таалуқлидир.<sup>181</sup>

Қонун чиқарувчи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумни жиноятдан ҳимоя қилишни давлат органлари фаолиятида биринчи ўринга қўяди. Ушбу позиция конституция, халқаро ҳужжат талабларга тўлиқ мос келади, унга кўра давлат айбланаётган ҳар бир шахсни, айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади ва кафолатланади. Хаттоки, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумни айборликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак дейилган.<sup>182</sup>

Юртбошимиз Ш. Мирзиёевнинг таъкидлашича, сўнги йилларда ноҳақ айбланган 4 минг кишига оқлов ҳукми чиқарилган, 26 мингдан зиёд шахс суд залидан озод қилинган, 47 минг фуқарога нисбатан терговда қўйилган моддалар айбловдан чиқарилган.<sup>183</sup> Дарҳақиқат, ўтган даврда жиноят амалиётида асосиз жиноий таъқиблар, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш масаласи одатий ҳол эди, бу иш юритишнинг турли босқичларида амалга ошириларди. Сўнги йилларда олиб борилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар туфайли туб ўзгаришларга олиб келди. Натижада, қонунга хилоф равища айбор деб топилган (судланганлар), шунингдек, жиноят содир этишда айблангандарнинг барчаси, у ёки бу тарзда дастлабки тергов, суриштирув органлари, суднинг “хатолари” дан жабрланганларнинг меҳнат, пенция ва бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлари тикланди ҳамда маҳкум ва бошқа айбланувчига етказилган зарар давлат томонидан тўлиқ қопланди. Тегишли ҳолларда маҳкумга етказилган шахсий номулкий зарар ҳам ундирилган. Бу ўз навбатида, жиноят процессуал қонунчиликка ҳуқуқий асосини яратишга, яъни реабилитацияни киритиш учун ўринли сабаб мавжуд.

Мисол учун, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг ажримига кўра, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 2012 йил 3 июлдаги ҳукмига кўра, М исмли шахсга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан айбор деб топилиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Ҳукмга кўра, судланувчи адлия идорасида турли лавозимида ишлаб келган, 2010-2011 йиллар давомида ўзининг ғараз мақсадларга қаратилган жиноий ҳаракатларини амалга ошириб, пора олганлиги қайд этилган. Аммо, Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг

<sup>181</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.

<sup>182</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. 28-модда.

<sup>183</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/5695>

ажримига биноан, Судлов ҳайъати, иш бўйича судья А.нинг маърузасини, прокурорнинг протестни қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги хulosасини, судланган М ҳамда унинг ҳимоячиси адвокат У.нинг кассация протестида келтирилган важларни қувватлаб, туман судининг хукмини бекор қилиб, оқлов хукми чиқариш ҳақидаги фикрларини тинглаб, протестдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, куйидагиларга асосан М.га оид хукмини бекор қилишни ва уни реабилитация қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим деб топди.

Судья Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўрқитиш, хуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилиши, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши лозимлиги кўрсатган.<sup>184</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд хукми тўғрисида”ги 07-сонли Қарорини 4-бандига мувофиқ иш бўйича ҳукм иш материаларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиласиган, ҳам оқладиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Шунингдек, ЖПКнинг 26-моддаси 2-қисмига асосан суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.

Аммо, жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш жараёнида, ишда тўпланган далиллар таҳлил қилинганида ҳукмда баён қилинган суднинг хulosалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаслиги, М.ни айлаш учун ишончли объектив далиллар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд хукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 16-бандига<sup>185</sup> ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айлов хукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши; айлов хукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материаларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма

<sup>184</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.

<sup>185</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд хукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарори.

шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йигилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги; шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши ҳақида кўрсатилган.

Шунингдек, кассация инстанциясининг суд мажлисида сўроқ қилинган, мазкур иш юзасидан гувоҳлар Н, Ю, Ж ҳам М.нинг ҳозирда бераётган кўрсатувларини тасдиқлаб, дастлабки тергов ҳамда суд тергови даврида маҳсус идора ходимлари томонидан ўтказилган кучли жисмоний, маънавий тазииклар ва уларнинг уйдирмалари асосида кўрсатма беришга мажбур бўлишганлиги ҳақида маълум қилишди.

Кассация инстанцияси М.ни Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан айбли деб топиш ҳақидаги ҳукмни бекор қилиб, жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ва унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли уни айбиз деб топиб, реабилитация қилишни ҳамда жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан тугатиши лозим деб топган.

Бундан ташқари, кассация инстанцияси судлов ҳайъати, М.ни реабилитация қилиниши муносабати билан унга етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини ундириш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-312 моддаларида назарда тутилган тартибда даъво талаби билан судга мурожаат қилиш хуқуқини тушунтиришни лозим деб ҳисоблади.

Мазкур масала, мамлакатимиз раҳбари эътиборида. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизими” тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори иккинчи йўналиши, 10-бандида, реабилитация институтини қўллаш асосларини ва уни амалга ошириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича уступор вазифалар белгиланган.<sup>186</sup>

Шу билан бирга, агар хориж тажрибасига юзаланадиган бўлсак, Россия Жиноят-процессуал кодекси 6-моддаси, 2-бандида, қонунчиликнинг бир қатор вазифалари санаб ўтилган. Ушбу вазифалари қаторида, асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган ҳар бир шахсни реабилитация қилиш вазифаси ҳам белгиланган.<sup>187</sup> Худди шунга ўхшаш қоидалар, Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 8-моддаси, 1-бандида,<sup>188</sup> Кирғизистон Жиноят-процессуал кодекси 6-моддаси, 6-бандида,<sup>189</sup>

<sup>186</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизими” тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

<sup>187</sup> [“Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ \(ред. от 25.10.2024\).](#)

<sup>188</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 05.09.2024 г.).

<sup>189</sup> Уголовно-Процессуальный Кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года №129.

Тожикистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 2-моддаси, 3-банди,<sup>190</sup> Беларуссия Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 7-моддаси, 2-банди мустаҳкамланган.<sup>191</sup>

Юқорида айтилганлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасига тегишли таъминлаш учун зарур бўлган барча вазифаларни қамраб олиниши лозим, деган хulosага келишимизга имкон беради. Ҳуқуқий давлатда бу ҳолат қабул қилиниши мумкин эмас ва тузатишни талаб қиласди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4849-сон 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сон “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги ПФ-60-сон** “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сонли “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

<sup>190</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года. (*с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.01.2024 г.*).

<sup>191</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-З. (*с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.01.2024 г.*).

3. “Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси”. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган (10-модда). “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт. 28.12.1995. (14-модда). **“Конвенция о защите прав человека и основных свобод”**. г. Рим, 4.XI.1950 г. (6-модда).

4. Судья маънавияти, одоби ва маъсулияти. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан нашрга тайёрланган. 2021. 3-4 бет.

5. Бурҳонуддин Марғиноний. «Ҳидоя».**«Hilol»** нашриёт-матбааси. 2022-2024 йиллар. 1-5-жузлар.

6. Судья маънавияти, одоби ва маъсулияти. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан нашрга тайёрланган. 2021. 186-187 бетлар.

7. <https://president.uz/uz/lists/view/5695>

8. Судьялар одоби кодекси. -Т.: 2024. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сон қарори билан тасдиқланган.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сонли “Судлар тўғрисида”ги Конуни.

10. Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2024 йил 6 майдаги қарори билан тасдиқланган “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2024-2025 ўқув йили учун қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

11. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сонли қарори билан “Судьялар одоби кодекси” тасдиқланган.

12. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сонли қарори билан “Судьялар одоби кодекси” тасдиқланган.

13. Котов Д. П. Вопросы судебной этики. М. Знание. 1976. С. 26 - 27.

14. Базорава Д.Б. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе. Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. (DSc). Т., ТГЮУ, 2022. - С. 203.

15. Кобликов А. С- Юридическая этика. М.: Норма. 1999. С. 99.

16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.

17. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.

18. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. 28-модда.

19. <https://president.uz/uz/lists/view/5695>

20. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд хукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарори.

**22.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

**23.** [“Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ \(ред. от 25.10.2024\)](#).

**24.** Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 05.09.2024 г.).

**25.** Уголовно-Процессуальный Кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года №129.

**26.** Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года. (с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 03.01.2024 г.).

**27.** Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-З. (с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 08.01.2024 г.).